ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

50 (652)

2008 йил 10 декабрь

Чоршанба

Mahalla

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг республика нашри

веб-сайт: www.mahalla.uz
e-mail: mahalla.gz@rambler.ru

2
▶ Ўзбек либослари — анжуман кўрки
▶ Маҳалланинг олис тарихи

3
▶ Қўшнининг томи соя солса...
▶ Марадонанинг "мантиқсиз" қарори

4
▶ Гандимёнда ҳосил мўл(ми?)
▶ Гуллар шоусида — ҳаворанг атиргул

ISSN 2010-7013

2009 йил — Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили

ҚИШЛОҚ РИВОЖИ — ЮРТИМИЗ ОБОДЛИГИ ВА ҲАЁТИМИЗ ФАРОВОНЛИГИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 16 йиллигига бағишланган тантанали маросимда 2009 йилни "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" деб эълон қилди. Бу барча юртдошларимизни, хусусан, қишлоқ аҳлини беҳад тўлқинлантириб юборди.

...Ким нима деса десину дунёнинг ҳеч бир жойи таровату гўзаллиқда, файзу барокатда ўзбек қишлоқларининг олдига тушолмайди. Халқимизнинг табиати, фазилатлари қишлоқларимиз қиёфасида ҳам бор бўй-басти билан намоён бўлади. Ҳар кун субҳи содиқда бобо қуёшни кутиб оладиган меҳнаткаш, танти, соддадил, бағрикенг, ҳалоллик ва поклик ҳаёти мазмунига айланган қишлоқ аҳлининг орзу ниятлари ҳам ўзи каби беғубор. Юртбошимиз таъкидлаганидек, барчамизнинг илдизимиз, томиримиз авваламбор қишлоқ заминига бориб тақалади. Она Ватан деган улуғ ва муқаддас тушунча одамзот учун гўёки қишлоқ тимсолидан бошланади.

Дарҳақиқат, қаерда яшашимиздан қатъи назар ҳар биримизнинг, оиламизнинг ҳаёти қишлоқ билан чамбарчас боғлиқ. Зеро, инсоннинг ризқи рўзи, насибаси аввало қишлоқда яратилади. Шундай экан, юртимизнинг янада обод бўлиши, халқимиз турмуш фаровонлигининг янада юксалиши, олдимизга қўйган эзгу мақсадларимизнинг рўёбга чиқиши қишлоқларимизнинг тараққиёти билан боғлиқдир.

Мустақиллигимизнинг илк йиллариданоқ давлатимиз раҳбари Ислом Каримов томонидан қишлоқдаги муаммоларни ҳал этиш, қишлоқ аҳолиси турмуш даражасини юксалтиришга алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Хусусан, аҳолига томорқа ажратиб берилгани, чорвачилик рағбатлантирилгани ўзининг юксак самараларини бермоқда. Қишлоқларни газлаштириш, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, тиббий хизмат кўрсатиш сифати ва даражасини ошириш борасида улкан ишлар амалга оширилди.

(Давоми 2-саҳифада)

ҚИШЛОҚЛАРИМИЗ ЯНАДА ОБОД БЎЛАДИ

Президентимиз Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 16 йиллигига бағишланган тантанали маросимда 2009 йилни "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" деб эълон қилиши қалбимизда чексиз мамнунлик ҳиссини уйғотди.

Мамлакатимизда олиб борилаётган улкан бунёдкорлик ишлари натижасида олис-олис қишлоқларимиз ҳам обод манзилларга айланмоқда. Буни бизнинг Бахмал қишлоқ фуқаролари йиғинимиз мисолида ҳам кўриш мумкин.

Фуқаролар йиғинимизда 14 минг 400 аҳоли яшайди. Кейинги йилларда қишлоғимиз қиёфаси янада кўркамлашиб, одамларнинг турмуш даражаси ўсиб бормоқда. Қишлоғимиздаги тўртта умумтаълим мактабининг биноси янгидан барпо этилди. Икки замонавий қишлоқ врачлик пункти аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатмоқда. Бундан икки йил аввал қад ростлаган иқтисодиёт касб-ҳунар коллежида ўн йўналиш бўйича 500 дан зиёд ёшлар таҳсил олаётир.

Қишлоқ тадбиркорлари томонидан қурилиб, фойдаланишга топширилаётган савдо, умумий овқатланиш ва бошқа хизмат кўрсатиш шохобчалари сони ошмоқда. Қишлоғимиздан туман ва вилоят марказига мунтазам автобус қатнови йўлга қўйилган.

Ойқор тоғлари бағрида жойлашган қишлоғимизнинг иқлим ва табиий шароити деҳқончилик, хусусан, боғдорчилик учун жуда қулай. Ернинг, боғларнинг фермерларга берилиши қишлоқлар иқтисодий юксалишига хизмат қилаётир. Қишлоқ мулкдорлари орттирган даромадлари ҳисобидан ободонлаштириш, хайр-саховат ишларида ҳам фаол иштирок этмоқда. Масалан, уларнинг қўмагида спорт иншоотлари, маданий масканлар барпо этаётирмиз. Улар ёшларимизнинг севимли масканига айланган.

Ўзини ўзи бошқариш органларининг мавқеини оширишга қаратилаётган эътибор туфайли эндиликда қишлоқ аҳлининг кундалик турмуши билан боғлиқ кўп масалалар фуқаролар йиғини кенгаши томонидан бамаслаҳат ҳал қилинмоқда. Яқинда қишлоқ фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва маслаҳатчилари сайловида ҳам ҳудудимизни янада обонлаштириш, одамларнинг турмуш фаровонлигини ошириш борасида бажарилиши зарур бўлган долзарб вазифалар хусусида маслаҳатлашиб олдик.

Қишлоқларимиз инфратузилмасини ривожлантириш, қишлоқ аҳли манфаатларини ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан экани амалда ўз исботини топмоқда.

Юртбошимиз томонидан 2009 йилнинг "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" деб эълон қилиниши эса янги йилда қишлоқларимиз янада обод ва фаровон бўлишини таъминлашига ҳеч қандай шубҳа йўқ.

Ирисбой СОИПОВ,
Бахмал туманидаги Бахмал қишлоқ фуқаролар йиғини раиси.
(ЎзА)

Mahalla

— Яна нима дейсиз?
— Шаҳардан қолишмайдиган қишлоқларимизнинг сони ортадиган бўлди.

Юртдошларимизнинг "Ипак йўли" халқаро маданият фестивалидаги муваффақияти

Кореяда ушбу мамлакат ва Марказий Осиё давлатлари ижодий гуруҳлари иштирокидаги "Ипак йўли" халқаро маданият фестивали бўлиб ўтди. Мазкур тадбир Корея Ташқи ишлар ва савдо вазирлиги, Корея санъат кенгаши ҳамда «Korea Foundation» жамғармаси томонидан ташкил этилди.

Фестиваль Жанубий Корея жамоатчилигини Буюк Ипак йўли орқали Корея билан қадимдан алоқа қилиб келган Марказий Осиё халқларининг мусиқаси, рақслари, санъати ва анъаналари билан таништиришни мақсад қилган.

Тадбир Корея маданият жамғармаси марказида ташкил этилган "Марказий Осиё нафосати" фотокўргазмаси билан очилди. Унда турли вақтларда минтақа мамлакатларига келган ва ўз таассуротларини фотосуратлар орқали ифодалаган жанубий кореялик суратқашларнинг ижодий ишлари намойиш этилди.

Фестиваль доирасида Марказий Осиё билан Корея Республикаси ўртасидаги маданий алоқаларга бағишланган анжуман ҳам бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Давлат консерваторияси профессори Ф. Абдураҳимова маъруза қилди.

"Ипак йўли руҳи" номи остида ташкил этилган мусиқа кечаси фестивалнинг асосий тадбири бўлди. Юртимиз номидан мазкур нуфузли тадбирда Ф. Абдураҳимова раҳбарлигидаги "Суғдиёна" чолғу ансамбли иштирок этди. Айтиш жоизки, вакилларимизнинг маҳорати кореялик томошабинларнинг самимий олқишларига сазовор бўлди. Ватандошларимизнинг ижро маҳоратини юқори баҳолаган ҳолда, Корея санъат кенгаши раиси Ким Жунг-хюн ўзбек халқ мусиқий чолғу асбоблари оҳангининг нафис эканлигини алоҳида таъкидлади.

— Ўзбек халқининг деярли барча миллий мусиқа асбобларини ўз ичига олган "Суғдиёна" юксак маҳоратли жамоадир, — деди у. — Гуруҳнинг жанубий кореялик мусиқачилар жўрлигида корейс халқ куйларини ижро этиши мамлакатларимиз санъаткорлари ўртасидаги ижодий ҳамкорликнинг ривожланишида яна бир муҳим қадам бўлди.

«Ипак йўли» жамғармаси раиси Ким Вон-хо ҳам ўз тассуротлари билан ўртоқлашиб: «Юртдошларингизнинг ҳар бир чиқиши — Шарқдаги энг ёрқин ва ўзига хос маданиятлардан бирининг ўчоғи бўлган Ўзбекистон санъатининг серқирралигини ўзида мужассам этадиган, майин, жарангдор ва жўшқинликни ифодалайдиган ҳақиқий дурдона асарлардир», — деди.

(Давоми 2-саҳифада)

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муборак Қурбон ҳайити муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига самимий табрикларимни йўллашдан беҳад мамнунман.

Сиз, Жаноби Олийларига бахт-саодат, дўст мамлакатингиз халқига равнақ тилайман.

Камоли эҳтиром ила,

Халифа бин Зоид Ол НАҲАЁН,
Бирлашган Араб Амирликлари Президенти

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,

Иордания Ҳошимийлар Подшоҳлиги халқи ва ҳукумати номидан Сиз, Жаноби Олийларига муборак Қурбон ҳайити муносабати билан самимий табрик ва эзгу истакларимни йўллашдан ғоят мамнунман.

Фурсатдан фойдаланиб, Сиз, Жаноби Олийларига сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, дўст Ўзбекистон халқига муттасил тараққиёт ва фаровонлик тилаб қоламан.

Камоли эҳтиром ила,

Абдуллоҳ II бин ал-ҲУСАЙН,
Иордания Подшоҳи

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муборак Қурбон ҳайити муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига самимий табрик ва эзгу тилакларимни йўллашдан беҳад мамнунман.

Ушбу саодатли айёмда Аллоҳдан Сизга сиҳат-саломатлик, дўст Ўзбекистон халқига ва ислом умматига равнақ ва фаровонлик ато этишини сўраб қоламан.

Эҳтиром ила,

Али Абдуллоҳ СОЛИҲ,
Яман Республикаси Президенти

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич,

Муборак Қурбон ҳайити муносабати билан Сизни ва дўст Ўзбекистон халқини Қозоғистон халқи ва шахсан ўз номимдан табриклайман.

Ишончим комилки, икки томонлама Қозоғистон—Ўзбекистон алоқалари бундан буён ҳам халқларимиз фаровонлиги йўлида ривожланиб бораверади.

Ушбу табаррук айёмда Сизга сиҳат-саломатлик, давлат бошқаруви ишларингиздаги фаолиятингизга муваффақиятлар, Ўзбекистон халқига эса равнақ ва фаровонлик тилайман.

Эҳтиром ила,

Нурсултон НАЗАРБОЕВ,
Қозоғистон Республикаси Президенти

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич,

Юксак маънавий қадриятлар, меҳр-оқибат ва инсонпарварлик мужассам бўлган муқаддас байрам — Қурбон ҳайити муносабати билан Сизни ва сиз орқали бутун Ўзбекистон мусулмонларини чин қалбимдан самимий табриклайман.

Сизга мустаҳкам соғлик, бахт-саодат, дўст Ўзбекистон халқига тинчлик ва фаровонлик тилайман.

Эҳтиром ила,

Илҳом АЛИЕВ,
Озарбойжон Республикаси Президенти

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич,

Муборак Қурбон ҳайити муносабати билан Сизга ўзимнинг самимий тилакларим — узоқ умр, бахт-саодат, омад, мамлакатингизнинг дўст халқига эса равнақ ва фаровонлик тилаш менга катта мамнуният бахш этади.

Қодир Аллоҳдан Сизга ва бутун мусулмон умматига халқларимизни тинчлик, тотувлик ва бағрикенглик йўлидан боришида мададкор бўлишини тилаб қоламан. Яратган Сизнинг барча бошлаган ва олиб бораётган эзгу фаолиятингизга мададкор бўлсин.

Чуқур эҳтиром ила,

Гурбангули БЕРДИМУҲАММЕДОВ,
Туркманистон Президенти

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,

Сизни ва дўст Ўзбекистон халқини муборак Қурбон ҳайити билан чин юракдан самимий табриклаш менга чексиз мамнуният бахш этади.

Давлатларимиз ва халқларимиз равнақи, фаровонлиги ҳамда келгусида икки томонлама ҳамкорлигимизнинг янада кенгайиши ва мустаҳкамланишига умид қилган ҳолда Яратгандан Сизга сиҳат-саломатлик ва муваффақиятлар ато этишини сўрайман.

Имомали РАҲМОН,
Тожикистон Республикаси Президенти

Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

Самарқанд вилояти

ДЕМОКРАТИК ТАМОЙИЛЛАР НАМУНАСИ

Фуқаролик жамиятининг асосий белгиларидан бири — бу фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги иштирокини оширишдан иборат. Фуқароларнинг фаоллиги, ақл-заковати ва фидойилиги давлатнинг ижтимоий-сиёсий салоҳиятини ҳам белгилаб беради.

Аниқроқ айттанда, амалга оширилаётган ислоҳотларнинг тақдири, демократлаштиришнинг самарали натижа бериши кўп жиҳатдан фуқароларнинг ҳам ижтимоий, ҳам сиёсий соҳадаги иштирокига боғлиқ.

Кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришда маънавий муҳит фуқаролар фаоллигининг муҳим бўғинини ташкил этади. Мазкур бўғин шахс онгида демократик қадриятларнинг чуқур илдиз отиши, ижтимоий бурчни англаш ва шахсий ҳуқуқларини амалга ошириш, юксак маданий-маърифий савия каби хусусиятларни мужассамлаштиради. Қолаверса, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий жараёндаги иштироки қарорлар қабул қилиш ва сайлов ҳуқуқини амалга ошириш билан белгиланади.

Эътироф этиш жоизки, бугун сайловда иштирок этиш, овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган юртимиз фуқароларининг дунёқараши бундан 10-15 йил аввалги сайловлардагига нисбатан тубдан ўзгарди. Буни мамлакатимиз ҳаётида муҳим ўрин тутадиган, айни кунларда қизғин давом этаётган фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови мисолида ҳам кўриш мумкин.

Айни пайтга қадар Самарқанд шаҳридаги ўзини ўзи бошқариш органларининг аксарият қисмида сайловлар бўлиб ўтди. Шунингдек, қолган фуқаролар йиғинларида ҳам бу жараён белгиланган режа бўйича давом этмоқда.

(Давоми 2-саҳифада)

Жиззах вилояти

ОЧИҚ ВА ОШКОРА РУҲДА

Вилоятда фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссияларнинг мазкур тадбирларни қонунчилик талаблари асосида ташкил этаётгани сайловларнинг ошкоралик руҳида ўтишини таъминламоқда.

Шу кунга қадар воҳадаги мавжуд ўзини ўзи бошқариш органларидан 274 тасида сайловлар ўтказилиб, уларнинг 131 тасида номзодлар йиғин раиси (оқсоқоли) вазифасига илк бор сайланди. Айниқса, вилоятнинг Жиззах, Зомин, Ғаллаорол ва Фориш туманларида бўлиб ўтган сайловларда ҳар бир номзоднинг ҳаракат дастури сайлов кунигача аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилингани, ўрганиб чиқилгани муносиб номзодларнинг сайланишига замин яратди.

— Сайловларда аҳолининг фаоллиги кўзга яққол ташланди, — дейди «Маҳалла» жамғармасининг Бахмал тумани бўлинмаси раиси Эшмурод Аҳмедов. — Улар сайлов кунида номзодлардан энг муносибларига овоз бердилар. Муқобилдик асосида ташкил этилган сайловларнинг аксарият қисми ёпиқ овоз бериш йўли билан ўтказилди. Бу аҳолининг эскича ёндашувлардан воз кечиб, демократик йўл билан фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчиларини сайлашида қўл келди.

Жиззах шаҳридаги фуқаролар йиғинларида ҳам номзодларнинг ҳаракат дастурлари атрофлича муҳокама этилгандан кейин сайловларга киришилаётгани маҳалла оқсоқоллари ҳамда уларнинг маслаҳатчиларига номзодлар орасидан обрўли, тажрибали ва жонкуяр инсонларнинг танлаб олиниши, сайланишига имкон яратмоқда.

Абдували ҚАРШИЕВ,
«Mahalla» мухбири.

Азиз муштарий! Севимли нашрингиз «MAHALLA» газетасига обуна бўлишга шошилинг!

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Президент Жаноблари, азиз қардошим,

Қурбон байрами муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига энг самимий табрикларимни йўллайман.

Фурсатдан фойдаланиб, турк халқи ва шахсан ўз номимдан Сизга саломатлик ва бахт-саодат, дўст Ўзбекистон халқига равнақ ва фаровонлик тилаб, яна бир бор энг эзгу тилакларимни изҳор этаман.

Абдуллоҳ ГУЛ,
Туркия Республикаси Президенти

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич,

Сизни ва Ўзбекистон Республикаси мусулмонларини қутлуғ Қурбон ҳайити муносабати билан чин юракдан муборакбод этаман.

Ислом динининг улуғ байрами меҳр-оқибат, сабр-тоқат ва адолат каби юксак ғоя ва қадриятларни ўзида мужассам этган. У жамиятнинг маънавий ва ахлоқий камол топишига кўмаклашади, инсонпарварлик ва ҳамфикрлик, хайрли ишларга интилиш каби юксак меъёрларнинг қарор топишига хизмат қилади.

Ушбу мунаввар байрам кунлари Сиз ва дўст Ўзбекистон халқига мустаҳкам соғлик, эсон-омонлик, бахт-саодат тилаб қоламан.

Муртазо РАҲИМОВ,
Бошқирдистон Республикаси Президенти

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муборак Қурбон ҳайити муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига самимий табрикларимни йўллашдан беҳад мамнунман.

Сиз, Жаноби Олийларига бахт-саодат, дўст мамлакатингиз халқига доимий равнақ тилайман.

Муҳаммад бин Рошид Ол МАКТУМ,
Бирлашган Араб амирликлари Вице-президенти, Бош вазири, Дубай амирлиги ҳокими

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Президент Жаноблари,

Қурбон байрами муносабати билан Туркия Республикаси ҳукумати ва шахсан ўз номимдан самимий табрик ҳамда энг яхши тилакларимни изҳор этаман.

Режеп Таййип ЭРДОҒАН,
Туркия Республикаси Бош вазири

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муборак Қурбон ҳайити муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига ўзимнинг энг самимий табрик ва эзгу тилакларимни йўллаш шарафига муяссарман. Аллоҳдан Сиз, Жаноби Олийларининг барча мусулмон уммати ва буюк халқингиз манфаатлари йўлидаги саъй-ҳаракатларингизни қўллаб-қувватлашини сўрайман.

Яратгандан Сизга мустаҳкам соғлик, бахт-саодат ва узоқ умр, Ўзбекистон халқи ва бутун дунё мусулмонларига фаровонлик, тараққиёт, бирдамлик ва зафарлар тилаб қоламан.

Жаноби Олийлари, чуқур эҳтиромимни қабул қилгайсиз.

Акмалиддин ЭҲСОН ўғли,
Ислом конференцияси ташкилоти Бош котиби

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муборак Қурбон ҳайити муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига самимий табрик ва эзгу тилакларни йўллашдан беҳад мамнунман.

Ушбу улуғ дамларда, Аллоҳдан Сиз, Жаноби Олийларига сиҳат-саломатлик ва бахт-саодат, дўст Ўзбекистон халқига яхшилик ва фаровонлик, ислом умматига шодлик ва хайр-баракот ато этишини сўраб қоламан.

Амр МУСА,
Араб давлатлари уюшмаси Бош котиби

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,

Қурбон ҳайити муносабати билан Сизга энг самимий табриклар ва дўстона тилакларимни йўллашдан бағоят мамнунман. Яратгандан Сиз, Жанобларига, мустаҳкам соғлик, бутун ислом умматига бирдамлик, Сизнинг оқилона раҳбарлигингиз ва доно кўрсатмаларингиз остида халқларимиз орзу-умидлари, муштарак мақсадларининг рўёбга чиқиши, уларнинг ҳамкорлиги ва барқарорлигини сўраб қоламан.

Жаноби Олийлари, яна бир бор менинг самимий тилакларим, юксак эҳтиромимни қабул этгайсиз.

Маҳмуд АББОС,
Фаластин Озодлик ташкилоти Ижроия қўмитаси ва Фаластин Миллий бошқаруви Раиси

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,

Қурбон ҳайити муносабати билан БМТ Савдо ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти ва шахсан ўз номимдан Сизга энг эзгу тилаклар, бахт ва омадлар тилайман.

Қудратли Аллоҳ Сизга сиҳат-саломатлик, мамлакатингизни тинчлик ва тараққиёт йўлидан олиб бораётган фаолиятингизга мадад ато этсин.

Жак ДИУФ,
БМТ Савдо ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти Бош директори

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич,

Муқаддас байрам Қурбон ҳайити муносабати билан Сизни ва бутун Ўзбекистон халқини чин юракдан муборакбод этаман.

Ушбу шодиёна кунда яна бир бор Сизга самимий тилакларимни йўллаётганимдан жуда мамнунман.

Дарҳақиқат, Сиз ўз ҳаётининг мазмун-мақсадини Ватанга фидокорона хизмат қилишда, халқини тараққиёт ва гуллаб-яшнаш йўлидан бошлаб боришда кўрувчи муносиб етакчи ва доно раҳбарсиз. Замонамизнинг буюк сиёсий арбоби, тажрибали етакчиси бўлган Сиз, Жаноби Олийларига чуқур эҳтиромимни билдирган ҳолда, Сизга ва менинг иккинчи ватаним ҳисобланган Ўзбекистонга Аллоҳнинг раҳмати ва хайр-баракаси доимий ёғилиб туришини тилаб қоламан.

Байрамингиз муборак бўлсин, муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Юксак ҳурмат ва эҳтиром ила,

Шайхулислом Аллоҳшукур ПОШОЗОДА,
Кавказ мусулмонлари идораси раиси

ҚИШЛОҚ РИВОЖИ — ЮРТИМИЗ ОБОДЛИГИ ВА ҲАЁТИМИЗ ФАРОВОНЛИГИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

(Давоми. Аввали 1-саҳифада)

Президентимизнинг 1998 йил 10 ноябрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури тўғрисида”ги фармонида белгиланган вазифалар бажарилиши натижасида қишлоқ жойларида замонавий диагностика ва даволаш асбоб-ускуналари билан жиҳозланган 3100 дан зиёд қишлоқ врачлик пунктлари барпо этилди. Аҳоли ўртасида олиб борилаётган тиббий профилактик чора-тадбирларнинг, касалликларни ташхислаш ва даволашнинг самарадорлиги ошди.

Мамлакатимизда ёшларимизни жисмонан ва маънан баркамол этиб тарбиялаш борасидаги ислоҳотлар самаралари барчамизда фахр-ифтихор уйғотади. Бугун юртимиздаги энг чекка қишлоқларда ҳам шаҳардагидан қолишмайдиган замонавий академик лицей, касб-ҳунар коллежлари, мактаблар, спорт мажмуалари кўзни қувонтиради. Жорий йил бошидан буён ишга туширилган 149 касб-ҳунар коллежи, 634 умумтаълим мактаби, 184 болалар спорти объектининг аксарияти қишлоқ жойларига тўғри келади.

Қишлоқларда хизмат кўрсатиш соҳаси ва сервисни ривожлантириш, унинг кўламини кенгайтириш доимий эътиборда. Ўтган вақт мобайнида минглаб савдо, умумий овқатланиш, маиший хизмат кўрсатиш, автомобилларни таъмирлаш шохобчалари ташкил этилди. Деҳқон ва фермер хўжаликларига хизмат кўрсатиш, микрокредит ва истеъмол кредитларини бериш, тўлов тизимини такомиллаштириш юзасидан кенг миқёсли ишлар амалга оширилди.

Юртимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, маданий-маърифий соҳаларни ривожантириш, қўйингки, ҳаётимизнинг барча жабҳаларида амалга оширилаётган бетимсол ўзгаришларни таъминлашнинг моддий негизи кўп жиҳатдан мамлакатимиз иқтисодиётининг асосини ташкил этувчи аграр соҳа ривожи билан боғлиқдир.

Қишлоқда ернинг фермерларга топширилиши, фермерликни ривожлантиришга давлатимиз раҳбари томонидан эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилиши ўз самараларини бермоқда. Бир мисол, 2008 йил деҳқонларимиз учун мураккаб келганига қарамай ғаллакорларимиз 6 миллион 175 минг тоннадан зиёд хирмон бунёд этишди.

Бугун қайси бир фермер ва деҳқон билан суҳбатда бўлманг, уларнинг барчаси қишлоқ хўжалигида эришилаётган марралар замирида, аввало, соҳада янгича иқтисодий ва ижтимоий муносабатлар жорий этилгани мужассам эканлигини таъкидлайди. Энг асосийси, халқимиз ризқ-рўзи манбаи бўлган ернинг ҳақиқий эгасига топширилгани, мулкдорлик ҳисси ҳар бир заминдорнинг онгу шуурига чуқур кириб бораётгани, уларда ерга, меҳнатга муносабат тубдан ўзгаргани бундай ютуқларда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Жорий йилнинг тўққиз ойи мобайнида ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ўсиши ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 4,1 фоиз кўпайгани, полиз экинлари, картошка, сабзавот, мева, гўшт, сут, тухум етиштириш ҳажми йилдан-йилга ошиб бораётгани ҳам сўзимизни тасдиқлайди.

Қишлоқ хонадонларида чорва моллари, парранда парваришлаш азалий анъаналардан. Сигири бор хонадоннинг дастурхони оқлиққа — сут, қатиқ, қаймоққа бой бўлади. Фарзандларимизнинг бақувват бўлиб вояга етишида табиий сут ва сут маҳсулотларининг аҳамияти катта. Шу маънода, аҳолининг шахсий томорқаси ва деҳқон хўжаликларида қорамоллар сонини кўпайтириш, мазкур соҳадаги сервис хизматлари тармоғини яратиш ва чорвачиликнинг озуқа базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор берилаётир. Жумладан, 2008 йилда аҳолига аукцион пунктлари орқали 16 мингдан зиёд қорамол сотилди. 18 мингдан зиёд оила сигир билан бепул таъминланди. Қорамолларнинг умумий сони 2007 йилдагига нисбатан 6,9 фоиз кўпайди. Бундай ижобий натижаларни мева-сабзавотчилик, узумчилик соҳаларида, балиқчилик каби бошқа тармоқларда ҳам кузатиш мумкин.

Ҳаёт, тараққиёт доимий юксалишда, янги-янги марралар сари одимлайверади. Кундан-кунга ривожланиб, куч-қудрати ва салоҳияти юксалиб бораётган Ватанимиз тараққиётида беқиёс аҳамиятга эга қишлоқ аҳли ҳаётини янада юксак босқичга кўтариш, қишлоқ хўжалиги ривожига ривож қўшиш, унинг самарадорлигини ошириш долзарб вазифадир.

Президентимиз Ислом Каримов томонидан эълон қилинган “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” — 2009 йилда бу борада олиб борилаётган амалий ишлар кўлами янада кенгаяди.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, қишлоқда турмуш даражасини ошириш, қишлоқ аҳлининг манфаатларини янада тўлиқ таъминлашга қаратилган ҳуқуқий базани такомиллаштириш, қишлоқ ҳаётининг савияси ва маданиятини янги поғонага кўтариш, қишлоқ аҳолиси, авваламбор, ёшларни иш билан таъминлаш, одамларнинг даромади ва фаровонлигини ошириш масалалари мазкур йилга бағишланган махсус давлат дастурида алоҳида ўрин тутади. Уларнинг бажарилиши эса қишлоқларимиз жамолини янада очиб, одамлар турмуш фаровонлигини янги босқичга кўтариши шубҳасиздир.

Шунингдек, қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотларни чуқурлаштириш, фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш, мулкдорлар, тадбиркорлар ва ишбилармонларнинг манфаатларини ҳимоялаш, ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, инсон саломатлигини асраш, аҳолининг тиббий маданиятини ошириш, таълим-тарбия тизимининг моддий базаси ва сифат даражасини кучайтириш масалалари бўйича аниқ режалар белгиланади ва улар албатта амалга оширилади.

2009 йил — Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили халқимиз учун энг файзли ва баракали йиллардан бири бўлади.

Олим ТЎРАҚУЛОВ,
ЎзА шарҳловчиси.

Озод юртнинг обод гўшаси

Тошкент шаҳри

ҲАМЖИҲАТЛИК САМАРАСИ

Собир Раҳимов туманидаги “Гузарбоши” маҳалласида аҳоли фаровонлиги йўлида амалга оширилаётган ишларни кўрган кишининг ҳаваси келади. Негаки, бу обод масканда маҳалла аҳли учун кўплаб қулайликлар яратилган.

Маҳалла фуқаролар йиғини идорасидаги маслаҳатчилар ҳамда маънавият хоналари зарур анжомлар билан жиҳозланган. Маҳалла гузарида қарияларнинг севимли масканига айланган “Нуронийлар чойхонаси” ишлаб турибди. Шунингдек, янги қурилган дўкон аҳолининг озиқ-овқатга бўлган талабини қондириб келаётган бўлса, Халқ банки филиали эса одамларнинг мушкулини осон, узоғини яқин қилмоқда. Тағин тикишбичиш учун мўлжалланган маиший хизмат шохобчаси, сартарошхона ҳам “Гузарбоши”ликлар хизматида. Аҳолини сифатли дори-дармонлар билан таъминлаш мақсадида жорий йилда янги дорихона қуриб фойдаланишга топширилди. Бундан ташқари, замонавий ва кўркам автобекат қурилди. Эътиборлиси, ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишини таъминлаш мақсадида “Янги авлод боғи” бунёд этилди. Ўнлаб йигит-қизлар иш билан таъминланди.

— Маҳалламиздаги 588 та хонадонда 6170 дан зиёд киши истиқомат қилади, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Турсунхўжа Эргашев. — Уларнинг ўзаро тотувлиги, ҳамжиҳатлилиги туфайли барча эзгу ниятларимиз, кўзлаган мақсадларимиз амалга ошмоқда. Шу кунга қадар маҳалламизда неки бунёдкорлик ишлари қилинган бўлса, аввало, маҳалла аҳлининг бир тану бир жон бўлиб ҳаракат қилиши натижасида юзага келган.

Маҳаллада кам таъминланган оилалар, ногиронлар, ёлғиз кексаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасида ҳам ибратли ишлар қилинмоқда. Ҳар бир байрамда уларнинг ҳолидан хабар олинади, моддий-маънавий ёрдам кўрсатилади. Фуқаролар йиғини ташаббуси билан 300 ўринга мўлжалланган маҳалла тўйхонасида эса кам таъминланган иккита оила фарзандларининг никоҳ тўйлари ўтказиб берилди.

Ўктам ХУДОЙҚУЛОВ,
“Mahalla” мухбири.
Носир ҲАЙДАРОВ олган сурат.

Юртдошларимизнинг “Ипак йўли” халқаро маданият фестивалидаги муваффақияти

(Давоми. Аввали 1-саҳифада)

«Ипак йўлининг нур ва жилолари» миллий кийимлар гала-кўргазмаси ҳам фестивалнинг ёрқин таассуротларга бой воқеаларидан бири бўлди. Кўплаб дизайнерлик санъати ихлосмандларини жалб қилган кўргазмада ўзбек миллий либослари «Осиё рамзи» модельерлар ассоциацияси раиси Х. Комилова ҳамда «Ўзбекистон санъати ва маданияти форуми» жамғармасининг лойиҳа мувофиқлаштирувчиси М. Раҳимова раҳбарлигидаги мамлакатимиз делегацияси томонидан намойиш қилинди. Кўргазма доирасида юртдошларимиз ўзбек миллий либосларининг алоҳида намойишини ташкил этди. Унда тақдим этилган либослар тўплами, кўп сонли меҳмонларнинг эътироф этишича, анжуманнинг энг чиройли ва нафис намуналари бўлди.

«Корея Пост» нашри раиси Ли Кёнг-сикнинг эътироф этишича, ўзбек миллий либосларининг беқиёслиги шундаки, уларда қадимий халқ анъаналарининг эстетик қадриятлари, серқирралиги, ранг ва жилоларга бойлиги ўз аксини топган. Бундан ташқари, ўзбекистонлик модельерлар ўзининг дизайн бобидаги юксак маҳоратини намойиш эта олган.

Инчон Корея анъанавий санъат ассоциацияси раиси Ким Хён-шиль ҳам ўз ҳайратини яшириб ўтирмади. «Ўзбек либосларидаги ранглар уйғунлигида миллий ўзликни англашнинг моҳияти, ўзбек халқининг қалби акс этгандек бўлади гўё. Ушбу либослар халқингизнинг бой ва теран маданият ва санъатга эга эканини яққол намойиш этади», — деди у.

«Hanbok Promotional» ассоциацияси президенти Жин Хянг-жа хоним «Ипак йўли» лойиҳасини амалга оширишда кўрсатган кўмаги учун Ўзбекистон делегациясига самимий миннатдорлик билдирди. Унинг фикрича, Ўзбекистонда ёш модельер ва мусиқачиларга кўрсатилаётган кўмак ҳамкорликда қўшма лойиҳаларни амалга ошириш учун қулай имконият яратиб, шубҳасиз, маданий соҳадаги Ўзбекистон-Корея алоқаларининг ривожланишига хизмат қилади.

Фестиваль доирасида «Samarkand Handmade paper» маркази директори З. Мухторов ҳамда кореялик усталар ҳамкорлигида ташкил этилган қоғоз ишлаб чиқаришнинг қўлбола технологияси намойиши бўлиб ўтди.

«Жаҳон» АА,
Сеул

Қадриятлар қадр топмоқда

Наманган вилояти

«МАҲАЛЛАМ ТАРИХИНИ ЎРГАНАМАН»

республика кўрик-танловининг минтақавий босқичи ўтказилди

Ёш авлодни миллий қадриятларга ҳурмат ва она-Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялашда маҳалланинг ўрни беқиёс. Мана бир неча йилдирки, «Маҳалла» жамғармаси республика бошқаруви, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши, Халқ таълими вазирлигининг қўшма қарорига асосан «Қадриятлар бешигисан — азиз маҳаллам» шиори остида «Маҳаллам тарихини ўрганаман» кўрик-танлови анъанавий тарзда ўтказиб келинмоқда. Кўрик-танловнинг бу йилги республика якуний босқичи 4 та ҳудудга бўлинган ҳолда ўтказилмоқда. Наманган шаҳрида бўлиб ўтган талбирда Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятлари жамоалари ўзаро баҳс олиб боришди.

Кўрик-танловнинг биринчи шарти бўйича жамоалар фуқаролар йиғини ҳузуридаги ёшлар билан ишлаш комиссияларининг фаолияти, «Оила—маҳалла—мактаб» ҳамкорлиги доирасида олиб борилган ишларни акс эттирувчи ҳужжатлар ҳамда кўргазмаларни намойиш этишди.

Иккинчи шартда ўқувчиларнинг «Маҳаллам тарихини ўрганаман» мавзусида ёзган энг яхши иншолари аниқланди. «Маҳалла тарихидан» деб номланган шарт юзасидан ҳар бир жамоа ўз маҳалласининг ўтмиши, ҳудуднинг ўзига хос анъаналари, турмуш тарзини ёритиб берувчи, халқимиз томонидан минг йиллар давомида асраб-авайлаб келинаётган қадриятларни тарғиб этиш ғояси сингдирилган саҳна кўринишларини намойиш этди. Шунингдек, кўрик-танлов Низомида белгиланган қўшимча шартлар юзасидан қисқа савол-жаволлар ҳам ўтказилди.

Ҳакамлар ҳайъатининг қарорига кўра, Андижон вилояти Хўжаобод туманидаги «Янгичек» маҳалласи жамоаси ғолиб деб топилди. Наманган вилояти Поп туманидаги «Чинор» маҳалласи вакиллари иккинчи, Фарғона вилоятининг «Ёрмозор» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги «Дашт» маҳалласи жамоасига учинчи ўрин насиб этди.

Иншолар танловида Наманган вилояти Норин туманидаги 1-мактаб ўқувчиси Зарифа Маъруфова биринчи, Андижон вилояти Балиқчи туманидаги 34-мактаб ўқувчиси Муслима Раҳматуллаева иккинчи, Фарғона вилояти Қўқон шаҳридаги 18-мактаб ўқувчиси Шаҳноза Маъруфжонова учинчи ўринга лойиқ топилди.

Ғолибларга ташкилотчиларнинг диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Мирзадавлат ЮНУСОВ,
«Mahalla» мухбири.

Тадбир

Тошкент шаҳри

КОНСТИТУЦИЯГА БАҒИШЛАНДИ

“Маҳалла” жамғармаси Тошкент шаҳар бўлимида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 16 йиллиги ҳамда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 60 йиллигига бағишланган семинар бўлиб ўтди. Республика Маънавият тарғибот маркази шаҳар бўлими билан ҳамкорликда ўтказилган тадбирда пойтахтимиздаги маҳаллалар фаоллари, жамғарма ходимлари иштирок этди.

— Конституция — мамлакатимиз равнақи, халқимиз фаровонлигининг кафолати, — деди тадбирда сўзга чиққан жамғарманинг шаҳар бўлими раиси Ж.Шоҳакимов. — Чунки Бош Қомусимизда тараққиёт йўлимизнинг ҳуқуқий асослари белгилаб берилган, инсон шаъни, қадр-қиммати ва эркинлиги ҳимояси кафолатланган. Унда бизнинг бурч-вазифаларимиз билан бир қаторда ҳуқуқларимизнинг ҳам ёрқин ифода этилгани озод ва обод Ватанимиз тараққиётига ўз ҳиссамизни қўшишимизни таъминлайди.

Тадбирда сўзга чиққанлар, шунингдек Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва Конституциямизнинг ўзаро уйғун, ҳамоҳанг жиҳатлари тўғрисида ҳам сўз юритишди. Бош Қомусимизнинг жойлардаги тарғиботи тўғрисида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

З.ҒАФФОРОВ

Сайлов қонунчилигини ўрганамиз

“Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунидан

29-модда. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови натижалари асосида фуқаролар йиғини органларини шакллантириш

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови натижалари асосида фуқаролар йиғини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фуқаролар йиғини кенгашини шакллантиради, фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссияларни ва фуқаролар йиғини тафтиш комиссиясини, шунингдек, маъмурий комиссияни сайлайди.

30-модда. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови натижалари устидан шикоят қилиш

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови натижалари юзасидан фуқаролар йиғини қабул қилган қарор устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

31-модда. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

ДЕМОКРАТИК ТАМОЙИЛЛАР НАМУНАСИ

Ўзбекистон Республикаси Конституциянинг 105-моддасида: "Шаҳарча, қишлоқ ва овулларда, шунингдек улар таркибидаги маҳаллаларда ҳамда шаҳарлардаги маҳаллаларда фуқароларнинг йиғинлари ўзини ўзи бошқариш органлари бўлиб, улар икки ярим йил муддатга раисни (оқсоқолни) ва унинг маслаҳатчиларини сайлайди...", деб белгилаб қўйилган. Бош Қомусимизда акс этган мазкур ҳуқуқий норма фуқароларнинг ўз маҳалласи, қишлоғи ёки овулига ҳар томонлама муносиб йиғин раиси ҳамда унинг маслаҳатчиларини танлаш ва сайлаш имкониятини оширади, аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини юксалтиришга хизмат қилади.

(Давоми. Аввали 1-саҳифада)

Сайловларнинг очиқ ва ошкоралик руҳида, эркин фикр билдириш асосида ўтаётгани фуқароларнинг ушбу муҳим ижтимоий-сиёсий тадбирга асло бефарқ эмаслиги, унда ўта фаол иштирок этаётганидан далолат бермоқда. Айниқса, сайлов жараёнида фуқароларнинг ҳуқуқий билим ва савияси юксалиб бораётгани, шу жумладан, уларнинг йиғин раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови қонунчилиги билан яқиндан таниш эканлиги яққол кўзга ташланмоқдаки, бу мамлакатимизда маҳалла институтини ривожлантириш, мавқе-нуфузини ошириш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар самарасидир.

— Жамиятнинг ҳуқуқий маданияти юксалиб бораётгани, аввало, фуқаролар онгида юз берётган янгиланишларда кўринмоқда, — дейди фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи Самарқанд шаҳар комиссияси раиси Саидаҳмад Усмонов. — Ҳар бир маҳалладошимиз қайси вакилга, вакиллар эса қайси номзодга овоз бериш йиғин ҳаётидаги муаммоларни ҳал этиш учун энг мақбул ечим эканини тўғри англаб етмоқда. Шу боис, комил ишонч билан айта оламизки, бу йил ўтаётган сайловлар ҳар жиҳатдан демократия талабларига жавоб беради.

Дарҳақиқат, Самарқанд шаҳрида мазкур ижтимоий-сиёсий тадбирлар қонун талаблари асосида ўтказилмоқда. Хусусан, Мир Саид Барака, Саид Ризо Ализода, Ғафур Ғулом номидаги ҳамда "Извошчилар", "Қўшбаққоллик", "2-Йўнғичқаариқ", "Лолазор" сингари ўнлаб маҳаллаларда бўлиб ўтган сайловлар сўзимиз тасдиғидир.

— Маҳалла институти, унинг мустақил равишда фаолият юритиши фақат юртимизгагина хос бўлган хусусият, — дейди комиссия аъзоси Тангир Сатторов. — Лекин фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайлов ўтказиш бўйича тарихий тажриба мавжуд эмас. Шунинг учун ҳам бу борада фуқароларда маълум саволлар туғилиши табиий. Мулоҳазага сабаб бўлаётган шундай масалалардан бири, бу фуқаролар йиғини раиси вазифасига сайланадиган кишининг бир вақтнинг ўзида бошқа бир муассаса, ташкилот ёки корхонада ишлаш-ишламаслиги масаласидир. Бу бежизга эмас. Чунки маҳалланинг кундалик ҳаётида оқсоқол ҳал этиши жоиз бўлган катта-кичик ишлар, муаммолар етарли. Йиғин идорасида эмас, уйма-уй, ташкилотма-ташкилот юриб ҳал қилинадиган, бажариладиган юмушлар бисёр. Раис кечаю кундуз маҳалладошлари орасида бўлиши лозим. Шундай экан, оқсоқол учун бир вақтда иккита жойда ишлаш мушкуллик туғдириши мумкин. Бундай ҳолатлар сайловга оид қонун ҳужжатлари такомиллашуви, бу борада етарли тажриба тўпланиши баробарида аста-секин барҳам топади, албатта.

Суҳбатдошларимизнинг таъкидлашича, сайловчилар фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи шаҳар комиссияси аъзолари ҳузурига жўн саволлар билан келишмаяпти. Аксинча, мурожаатлардан уларнинг сайлов қонунчилигидан етарли даражада хабардор эканлиги сезилиб турибди. Қолаверса, айрим фуқаролар йиғинларида сайлов ўтмаган ёки ҳақиқий эмас, деб топилгани сабабли тегишли тартибда қайтадан сайлов ўтказишга келишиб олиняпти. Бу юртдошларимиз ўз маҳалласи, қишлоғи ёки овулига энг муносиб оқсоқол ва унинг маслаҳатчиларини сайлаш ишига катта эътибор, зўр масъулият билан ёндашаётгани, демакки, Ватан тақдири, эртанги кунига бефарқ эмаслигини билдиради.

Ўктам ҚУРБОНОВ,
"Mahalla" мухбири.

Андижон вилояти

Аҳоли фаровонлиги йўлида

ЯНГИ САВДО ДЎКОНИ

маҳалла аҳлига қулайлик яратди

Балиқчи туманидаги "Ўрмонбек" қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган "Бўз" маҳалласида 2000 дан зиёд киши истиқомат қилади. Шу кунга қадар улар озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқа хўжалик молларини харид қилишда бироз қийинчиликка дуч келишар эди. Чунки маҳалла аҳли савдо қиладиган дўкон ҳудуддан анча олисда жойлашганди.

Яқинда "Андижон гўшт-сут савдо" очиқ турдаги акциядорлик жамияти улгуржи савдо базаси аҳолининг талабини инобатга олиб, маҳалла ҳудудида ўзининг фирма дўконини очди. Шу ерлик тадбиркор Солижон Каримов ўз маблағи ҳисобига янги дўкон биносини қуриб битказди, база эса уни зарур ускуна ва совитиш мосламалари билан таъминлади.

— Йил бошидан бери очилган 19 та фирма дўконимизнинг аксарияти шаҳар, туман марказларидан олисда жойлашган маҳалла ва қишлоқларда қад ростлади, — дейди акциядорлик жамияти улгуржи савдо базаси раҳбарининг ўринбосари Алишер Абдуллаев. — Бугунги кунга келиб ана шундай дўконларимиз 60 тага яқинлашиб қолди. Улар жорий йилнинг ўзида вилоят аҳолисини бир миллиард сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлади.

Таъкидлаш лозимки, қишлоқ жойларида жойлашган аксарият савдо дўконларининг ускуналари эскириб қолгани туфайли сўнгги пайтларда аҳолига талаб даражасида хизмат кўрсата олмаётган эди. Улгуржи савдо базаси ана шундай дўконларни ўз қарамоғига олиб, таъмирлаш, замонавий ускуналар билан жиҳозлаш ишларини олиб борди. Масалан, шу йилнинг ўзида чекка ҳудудларда жойлашган 300 га яқин хусусий савдо дўконларида база томонидан кичик таъмирлаш, қайта қуриш ишлари амалга оширилди. Айни пайтда эса мазкур дўконларда ҳукумат қарорига асосан 8 турдаги озиқ-овқат маҳсулотларининг доимий бўлиши таъминланмоқда.

Яна бир эътиборга молик жиҳат шуки, илгари озиқ-овқат маҳсулотлари дўкон эгалари ҳисобидан ташилган бўлса, дўконлар база ихтиёрига ўтгандан сўнг махсус машиналарда олиб келиняпти. Бунинг учун 30 га яқин турли хил маҳсулотларни ташишга мўлжалланган машиналар хизмат қилмоқда. Аҳолининг қиш даврида озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини қондириш мақсадида улгуржи савдо базаси томонидан 118 тонна гуруч, 58 тонна шакар, 32 тонна дуккакли дон, 60 тонна ун, шунингдек, макарон, тухум, ўсимлик ёғи захираси яратилди.

Узоқбой САКСОНБОЕВ,
"Mahalla" мухбири.

Ислоҳот самараси

КАСАНАЧИЛИК

Бухоро вилояти

ҳар бир оила ҳаётида фаровонлик омили бўлиб акс этмоқда

Бухоро нефтни қайта ишлаш заводига қарашли маиший хизмат кўрсатиш корхонасида касаначилик асосида меҳнат қилаётган хотин-қизлар сони 260 нафарга етди.

Мазкур корхона иш бошлаганига бор-йўғи икки йил бўлди. Шу қисқа фурсат ичида корхона ҳудуддаги кўзга кўринган маиший, ишлаб чиқариш объектларидан бирига айланди. Бозор иқтисодиёти шароитида бу эътирофга лойиқ муваффақиятдир. Айни кунда корхонада завод ишчилари ва техник ходимлар учун махсус кийим-бош, трикотаж буюмлар, ёстиқ жилдлари, чойшаб, кўрпа-тўшак каби ўндан ортиқ турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда.

Бундан ташқари, корхонада темирчилик, тунукасозлик, тикувчилик, теле ва видеомосламаларини тузатиш, пойабзал таъмирлаш устахоналари, сартарошхона фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, уларда аҳолига сифатли маиший хизмат кўрсатилмоқда.

Корхонанинг завод ҳомийлигида замонавий услубда қурилган муҳташам биносини кўрган кишининг кўзи қувнайди. Ишчи-ходимлар учун яратиб берилган шарт-шароитлар ҳам таҳсинга лойиқ. Шинам хоналарда ўрнатилган сўнгги русумдаги тикув, тўқув машиналари ва бошқа мосламаларни моҳирлик билан бошқараётган ишчилар бир-биридан бежирим маҳсулотлар тайёрламоқда.

— Корхонамиз ўз фаолиятини Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи эҳтиёжи учун маҳсулот ишлаб чиқаришдан бошланган эди, — дейди корхона раҳбари Рустам Хидиров. — Кейинчалик Қоравулбозор туманидаги «Нефтгазхолдинг» компаниясига қарашли корхоналар, шунингдек, қўшни Қашқадарё вилоятининг Муборак тумани ҳудудида жойлашган бошқа йирик ташкилотлардан ҳам буюртмалар туша бошлади. Корхонада иш қўлами ортгани боис ишчи ўринлари ҳам кўпайди. Шу тариқа ҳудуддаги маҳаллаларда яшаётган, муқим иш билан банд бўлмаган хотин-қизларни касаначилик асосида ишга қабул қилиш имконияти туғилди.

Ҳозирда юзлаб нафар аёллар корхона билан имзоланган шартнома асосида меҳнат қилмоқда. Уларга ишбай асосида маош тўланади. Бажарган иш ҳажмига қараб ҳар бир касаначига тўланадиган маош 80-100 минг сўмни ташкил қиляпти.

— Туманимизда саноат, ишлаб чиқариш яхши ривожланган бўлса-да, ҳудуддаги корхона ва ташкилотларда хотин-қизларга мос келадиган иш ўринлари чекланган, — дея фикр билдиради Ал-Бухорий номидаги маҳалла фуқаролар йиғини раиси Жумагул Абдужалилова. — Маиший хизмат кўрсатиш корхонаси иш бошлаши ва касаначиликка йўл очилиши билан хотин-қизлар бандлигини таъминлаш муаммоси деярли барҳам топди. Ҳар бир оилада фарзандлар тарбияси, уй-рўзғор юмушлари асосан уй бекаси зиммасида бўлади. Бу ўринда уй-рўзғордан ажралмаган ҳолда иш билан банд бўлиш, оила даромадига ҳисса қўшиш ҳар бир хотин-қиз учун катта имконият.

Йиғин раисининг фикрлари ўринли. Маиший хизмат кўрсатиш корхонаси касаначилик билан шуғулланаётган хотин-қизлар учун энг яқин ишхона ҳисобланади. Транспорт кутиш, йўл кира сарфлаш каби оворагарчиликлар йўқ. Қолаверса, уларнинг ҳар бири иш вақтини ўз имкониятидан келиб чиқиб, мустақил белгилаши мумкин. Юртимизда касаначиликни йўлга қўйиш ва ривожлантиришга давлатимиз, Юртбошимиз томонидан алоҳида эътибор қаратилаётгани боис касаначилик ҳар бир оила ҳаётида фаровонлик ва тараққиёт мезони бўлиб акс этмоқда.

Ҳамроз АЛИ,
«Mahalla» мухбири.

СУРАТДА: *корхонанинг моҳир тикувчиларидан бири Феруза Ҳайитова иш устида.*

Давра суҳбати

Тошкент шаҳри

ХАЛҚАРО ҲУҚУҚИЙ МЕЪЁРЛАРГА МОС

Пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 60 йиллигига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Инсон ҳуқуқлари бўйича Республика Миллий маркази ҳамда Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳамкорлигида ташкил этилган тадбир «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» деб номланди.

Юртбошимизнинг «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган Тадбирлар дастури тўғрисида»ги Фармони доирасида ўтказилган давра суҳбатида декларациянинг мазмун-моҳияти, мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган кенг қамровли ишлар хусусида сўз борди. Таъкидланганидек, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси республикамиз мустақилликка эришгандан сўнг қўшилган дастлабки халқаро ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади. Мамлакатимиз Конституциясида эса ушбу нодир ҳужжатнинг қоидалари тўлиқ акс этган. Қолаверса, сиёсий, иқтисодий-ижтимоий ва маънавий-маърифий соҳаларда қабул қилинган қонун ҳужжатларида ҳам Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг меъёрлари ўз ифодасини топган. Шу боис, давлатимиз қонунчилиги фақат фуқароларнинг хоҳиш-иродасини акс эттиргани билан эмас, балки халқаро ҳуқуқий меъёрларга мос келиши жиҳатидан ҳам аҳамиятлидир.

Айтиш жоизки, декларациянинг мазмун-моҳиятини оммага етказиш, уни янада самарали тарғиб этишда оммавий ахборот воситаларининг ўрни беқиёс. Тадбирда шу хусусда ҳам сўз юритилиб, Омбудсман институти фаолиятининг мамлакатимиз ва фуқаролар ҳаётида тутган ўрнига алоҳида тўхталиб ўтилди.

Шунингдек, тадбирда «Инсон ҳуқуқлари журналист нигоҳида» ва «Менинг конституциям» кўрик-танловлари ғолиблари тақдирланиб, журналистика факультетлари талабаларининг амалий билим олишини такомиллаштириш, маълум соҳа бўйича ихтисослашувини таъминлаш мақсадида республикамиздаги марказий газеталар таҳририятлари қошида ташкил этилган «Журналистик маҳорат» мактабларининг янги ўқув йили бошланишига бағишланган маросим ўтказилди.

Ҳамза АБДУЛЛАЕВ,
«Mahalla» мухбири.

Дунёдан дараклар

ҚИРУВЧИ САМОЛЁТ ҚУЛАБ ТУШДИ

F-18 қирувчи самолёти Сан-Диего туманида аҳоли яшаш масканига қулаб тушди ва натижада тўрт нафар киши ҳалок бўлди. Учувчининг ўзи катапульта воситасида парашютдан сакрашга улгурди, аммо у шок ҳолатига тушиб қолгани сабабли маҳаллий касалхоналардан бирига жойлаштирилди.

Маълумотларга кўра, самолёт қулаши оқибатида иккита уй вайрон бўлган ва иккита автомобиль ёниб кетган. Тасдиқланган маълумотларга қараганда, ҳалок бўлганлар ҳам айнан шу уйлардан бирида яшаган. Яъни уларнинг ҳаммаси бир оила аъзоларидир.

Самолёт қулаган пайтда вайрон бўлган иккинчи уйда ҳеч ким бўлмаган. АҚШ Федерал авиация бошқармаси вакили Йэна Грегорнинг сўзларига кўра, самолёт ҳавода учиб туриб, бирдан ерга йиқилган.

Ҳалокат авиабазадан уч километрча олисда содир бўлган. Учувчи аҳолига зарар етказмаслик мақсадида йўналишни ўзгартиришга ҳаракат қилган, бироқ бунинг уддасидан чиқа олмади.

57 НАФАР ЭКОЛОГ ҲИБСГА ОЛИНДИ

Лондондаги Стэнстед аэропортида қўриқланадиган объектга ноқонуний киргани ва жамоат тартибини бузгани учун 57 нафар эколог ҳибсга олинди.

Душанба куни эрталаб ўн нафарча эколог тонгги соат учларда намойиш ўтказиш учун аэропортнинг махсус қисмига кириб, ишни тўхтатишга ҳаракат қилдилар. Улар учиш-қўниш майдонида баррикада қуриш мақсадида бетон бўлаклари ва темир парчаларини олиб келишган эди.

Мазкур норозилик намойишида авиация транспортидан ҳавога зарарли моддалар тарқалиши ва унинг бузилишига олиб келиши ҳақида иш олиб борган Plane Stupid экологик ташкилотининг 50 нафардан ортиқ фаоллари иштирок этишди.

Натижада аэропортда полиция ходимлари ёрдамида жиддий тартиб ўрнатишга тўғри келди.

МАРАДОНА ИНТЕРНЕТДАГИ МАЪЛУМОТЛАРДАН НОРОЗИ

Аргентиналик афсонавий футболчи Диего Марадона интернетдаги халқаро қидирув тизимининг Аргентина бўлими орқали ўзи ҳақида маълумот олинишини тақиқлайдиган антиқа суд қарорини чиқартиришга эришди.

Марадона ва аргентиналик бошқа етмишдан ортиқ машҳур кишилар "Google and Yahoo!" қидирув тизимининг маҳаллий талқинига қарши даъво билан чиқишди.

Маҳаллий "Yahoo!" тизими орқали "Марадона" фамилияси бўйича бирор маълумот топишни истаган аргентиналик "Суд қарорига кўра... биз ушбу қидирув бўйича маълумот олинишига вақтинчалик рухсат бера олмаймиз" деган жавобни ўқиши мумкин.

"Google Argentina" вакили суднинг бу қарорини "мутлақ мантиқсизлик" деб атади.

Таниқли футболчи билан бирга мамлакатнинг бошқа кўпгина машҳур кишилари ҳам интернетда улар ҳақидаги маълумотлардан ноқонуний тарзда фойдаланилаётгани ва суратлари ўзбошимчалик билан кўнгилочар сайтларга жойлаштирилаётганидан норози эканликларини билдиришган. Кўпчиликнинг фикрича, машҳурлар шу йўл билан ўзларининг "қора" ўтмишини яширишга уринишмоқда.

Марадонанинг бу иши инсон ҳуқуқлари ва интернетда ахборот эркинлигини ҳимоя қилиш меъёрларига тўғри келмайди. Шу боис бу қарор маҳаллий аҳолининг норозилигига сабаб бўлмоқда.

ФИЛНИНГ ҲУЖУМИ ҚИММАТГА ТУШДИ

Кенияда фил ҳужумига дуч келиб қолган британиялик сайёҳ Уэнди Мартин хоним 750 минг доллар бадал ундириш ҳуқуқига эга бўлди. Бундан саккиз йил аввал ушбу ёвойи жонивор сайёҳни тишлари орасига қисиб олган, аёл ундан базўр қутилишга муваффақ бўлган эди.

Ўтган ҳафтада Кения Олий суди жабрланувчига саёҳат пайтида етказилган зарар учун 750 минг доллар миқдорида бадал тўланиши ҳақида қарор қабул қилди. 48 ёшли Уэнди Мартиннинг филга дуч келиб тирик қолганини мўъжиза дейиш мумкин.

Бу воқеа 2000 йилда Кениянинг марказий қисмида Мартин сайёҳлар ва кузатувчилар билан бирга чакалакзорларни томоша қилаётганда рўй берган эди. Қутилмаганда уларнинг рўпарасида фил пайдо бўлгач, кузатувчилар қочиш кераклигини айтишга улгуришган, холос. Уэнди Мартин хоним эса қоча олмай, филнинг қурбонига айланишига бир баҳя қолган.

Аёл Найроби касалхонасига олиб борилганида, шифокорлар унинг битта буйрагини олиб ташлаш кераклигини маълум қилишган. Бундан ташқари, у буткул соғайгунича яна 15-20 та жарроҳлик муолажасини бошдан ўтказишга мажбур бўлган.

Қорақалпоғистон Республикаси

БЎСТОНДАГИ БИНОЛАР

Элликқалъа туманининг Бўстон шаҳрида Конституциямизнинг 16 йиллиги муносабати билан бир нечта иншоотлар қурилиб фойдаланишга топширилди.

Жумладан, кунига салкам 5 минг дона нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватига эга корхона ҳамда унинг қошида дўкон иш бошлади. Бу иншоотлар хусусий тадбиркор Сейдамет Олимовнинг саъй-ҳаракати ва "Пахтабанк"нинг туман бўлимидан олинган 20 миллион сўмлик имтиёзли кредит эвазига битказилди.

Шунингдек, шаҳарнинг энг ҳушманзара жойларидан бирида 28 оилага мўлжалланган тўрт қаватли турар-жой биноси ҳам фойдаланишга топширилди. Бу иморатни қуриш учун Элликқалъа нефтбаза унитар корхонаси томонидан 515 миллион сўм маблағ сарфланди. Энг муҳими, турар жойнинг 16 хонадони ёш оилалар учун берилди.

Шаҳардаги Элликқалъа деҳқон бозорининг 200 ўринга мўлжалланган ёпиқ савдо расталари қурилиши ҳам тамомланиб, аҳолига хизмат қила бошлади.

Айни пайтда туманда спорт мажмуи ва сузиш ҳавзаси, Қорақалпоғистонда ягона ҳисобланган "Орол болалар" дам олиш ва соғломлаштириш марказини бунёд этиш ишлари поёнига етяпти.

"ГУЛЧЕҲРА"НИНГ ЮТУҚЛАРИ

Нукус шаҳри марказидаги "Гулчеҳра" кўптармоқли корхонаси жамоаси Конституциямиз қабул қилинганининг 16 йиллик байрамини муносиб тарзда кутиб олишди.

Корхона жамоаси жорий йилнинг ўтган даврида аҳолига салкам ярим миллиард сўмлик савдо хизмати кўрсатиб, белгиланган шартнома режаларини ортиғи билан бажарди.

Ўз фаолиятини бундан 10 йил аввал ўн нафар ишчи билан бошлаган ушбу корхонада айни кунда 47 нафар аёл кийим-кечак тикиш ва савдо ишлари билан машғул.

Ҳудудда ишсизлар сонини камайтириш мақсадида "Гулчеҳра" корхонаси келгуси йилда яна иккита цех ва савдо дўконларини очиб, 25 нафар хотин-қизни фойдали меҳнатга жалб этишни режалаштирмоқда.

Асил БЕК,
"Mahalla" мухбири.

«Mahalla» жавоб беради

ҚЎШНИМ УЙ ҚУРДИ, ЛЕКИН...

Савол: **Ён қўшним яқинда уч қаватли уй қурди. Шунинг натижасида ҳозир ҳовлимга қуёш нури тушмай, уйим зах тортиб бормоқда. Қўшнимга бир неча марта эътироз билдирдим, лекин... Ушбу масалада кимга мурожаат қилсам бўлади?**

Жавоб: *Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 30 декабрдаги 272-сонли қарори билан тасдиқланган "Якка тартибдаги уй-жой қурилиши тўғрисида"ги низомга кўра, якка тартибда ишлаб чиқилган уй-жой лойиҳаси туман архитектори билан келишилиши, тегишли рухсатнома олиниши, лойиҳаси шаҳарсозлик меъёрлари ва қоидаларига мос келиши шарт.*

Юқоридаги низомга асосан ўзбошимчалик билан уй-жой қуриш аниқланган тақдирда туман архитектура ва қурилиш органларининг мансабдор шахслари томонидан бу ҳолат тўғрисида далолатнома тузилади. Шундан сўнг ҳуқуқи бузилган шахс ёки тегишли давлат органи даъвоси бўйича ўзбошимчалик билан қурилган иморат суднинг қарорига кўра уни қурган шахс томонидан ёхуд унинг ҳисобидан бузиб ташланиши керак.

МУДДАТНИНГ ЯРМИ ЎТГАНДАН СЎНГ...

Савол: **Мен ўз шахсий автомашинам билан аҳолига пуллик хизмат кўрсатаман. Рўзғоримни шу орқали тебратаман. Яқинда суд қарори томонидан машина бошқаришдан вақтинча маҳрум қилиндим. Бу муддатни қисқартириш мумкинми?**

Жавоб: *Мумкин. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 343-моддасига кўра, муайян муддатга транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этилган шахс меҳнатга ҳалол муносабатда бўлиши ва намунали хулқ-атвори билан ўзини кўрсатган тақдирда, унга жазо қўллаган маъмурий ишлар бўйича судья корхона, муассаса ва ташкилот маъмурияти илтимоси билан бундай ҳуқуқдан маҳрум этиш муддатини қисқартириши мумкин. Бунинг учун фақат белгиланган муддатнинг камида ярми ўтган бўлиши керак.*

Ёшлар камолоти йўлида

Жиззах вилояти

“ҲАР БИР МАҲАЛЛАДА СПОРТ МАЙДОНИ БЎЛСИН”

ушбу шиор вилоятда жисмоний тарбия ва спортнинг янада оммалашувига туртки бўлмоқда

Бугун воҳанинг нафақат шаҳар марказларида, балки чекка ҳудудларидаги фуқаролар йиғинларида ҳам замонавий спорт мажмуалари барпо этилиб, ёшларнинг жисмонан соғлом бўлиб вояга етишлари учун зарур шарт-шароитлар яратилмоқда.

Ҳокимликлар ва бошқа мутасадди ташкилотларнинг саъй-ҳаракати билан “Ҳар бир маҳаллада спорт майдони бўлсин” шиори остида амалга оширилаётган тадбирлар бу борада яхши самара беряпти.

Айни кунда вилоят аҳолисининг 260 минг нафарга яқини спортнинг йигирмадан зиёд тури билан шуғулланмоқда. Шуниси эътиборлики, жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш ҳамда турли мусобақаларни ташкиллаштиришга саховатпеша инсонлар ҳам муносиб ҳисса қўшаётган. Хусусан, ана шундай хайрли ишлар самараси ўлароқ, воҳанинг “Сайилжойи”, “Қалия”, “Дўстлик”, “Олмазор” ва Ҳамид Олимжон номидаги маҳалла фуқаролар йиғинларида замонавий кўриниш ва зарур қулайликларга эга бўлган спорт иншоотлари қад ростлади. Айни пайтда ушбу мажмуалар маҳалла ёшларининг энг севимли масканларига айланган.

Вилоят касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамиятининг асосий фаолияти ҳам бу борадаги ишлар кўламини кенгайтиришга қаратилган. Мазкур жамиятга аъзо бўлган ташкилот, корхона ва фермер хўжаликларига қарашли 256 та бошланғич жисмоний тарбия жамоаларида 13 минг нафарга яқин ишчи-хизматчилар спорт-соғломлаштириш секцияларида мунтазам шуғулланиб келмоқдалар. Уларга 437 нафар жисмоний тарбия бўйича махсус маълумотга эга бўлган ҳамда 189 нафар жамоатчи мутахассислар мураббийлик қилишяпти.

Абдували ҚАРШИЕВ,
“Mahalla” мухбири.

Маҳалламиз тарихи

ГАНДИМЁН — БУҒДОЙГА КОН

Туғилган гўшам — Гандимён маҳалласининг ўзига хос тарихи бор. Бу ҳақда шундай ривоят эшитганман.

Қадимда бир-бирига меҳр-оқибатли оға-ини бўлган экан. Ака серфарзанд, ука эса бўйдоқ экан. Буғдой ўрими тугалланиб, хирмон кўтарилгач, оға-ини ҳосилни ўзаро тенг бўлишибди. Ярим тунда уйқуси қочган ака “Укам ҳали уйланмаган. Тўй қилиши керак. Унга кўпроқ бўла қолсин”, деб инисининг буғдойига ўзиникидан қўшиб қўйибди. Тонгга яқин укаси ҳам барвақт уйғониб “Акам серфарзанд. Бола-чақа боқишнинг, рўзғор тебратишнинг ўзи бўладими?”, деб у ҳам ўз улушидан оғасиникига қўшиб қўйибди. Шунда ғойибдан садо келибди: “Шундай меҳр-муҳаббатли одамлар юрти буғдойга кон бўлсин!”

Оқибатли ака-уканинг шарофати билан ўшандан буён далаларда ҳар йили буғдой барқ уриб ўсар, ҳосил эса мўл бўлар экан. Бунинг натижаси ўлароқ, маҳалла аҳли тўқ, фаровон турмуш кечира бошлабди. Одамлар маҳаллани Гандимкон (“гандим” — буғдой ва “кон”) деб атай бошлашибди. Кейинчалик бу атама оғиздан оғизга ўтиб, ихчамлашиб Гандимён тарзида ифода этиладиган бўлибди.

Ҳар гал маҳаллам тарихига оид ривоятни эшитганимда ёки ёдга олганимда аҳилликда ҳикмат кўп эканига яна бир бор иқрор бўламан. Гандимён маҳалласи вилоятда ўз нуфузига, обрў-эътиборига эга эканидан фахрланаман. Маҳалламиздан Ўзбекистон халқ артисти Матёқуб Раҳимов, унинг фарзанди Тошкент Давлат консерваторияси етакчи мутахассиси, Ўзбекистон санъат арбоби Отаназар Матёқубов, Ўзбекистон халқ устаси Ҳайитбой Боғибеков, тиббиёт фанлари доктори Рустам Нуруллаев, қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди Қадамбой Бобожонов, тарих фанлари номзоди Абдулла Абдурасулов сингари таниқли инсонлар етишиб чиққан.

Ражаббой МАТЁҚУБОВ,
Хива туманидаги
“Гандимён”
маҳалласи оқсоқоли.

МУҲАЖЖИМЛАР ТАЪБИРИ

ҚЎЙ (21.03-21.04)
Шу кунларда яқинларингиз маслаҳатига амал қилсангиз, анчадан бери ечими изланаётган муаммоларингиз ҳал этилиши мумкин.

СИҒИР (22.04-20.05)
Айни кунларда юзага келадиган кўнгилсиз вазият “ниқоб”ли дўстларингизни фош этиши мумкин. Соғлиғингизга эътиборлироқ бўлинг.

ЭГИЗАКЛАР (21.05-21.06)
Сизга юклатилган муҳим вазифаларни ўз вақтида бажаришингиз лозим. Акс ҳолда атрофдагилар ишончини йўқотишингиз мумкин.

ҚИСҚИЧБАҚА (22.06-22.07)
Шу кунларда ҳамкасбларингиз билан айрим масалалар юзасидан келишмовчиликларга дуч келасиз. Ҳафта сўнгида вазият яхшиланади.

АРСЛОН (23.07-22.08)
Ҳаётингиздаги кичик муаммоларни ҳам ўз вақтида ҳал этишингиз лозим. Айнан улар кейинчалик салбий оқибатларга олиб келиши мумкин.

ПАРИЗОД (23.08-22.09)
Айни кунларда яқинларингиз орасидаги келишмовчилик сабабчисига айланишни истамасангиз, фикр билдиришда эътиборлироқ бўлинг.

ТАРОЗИ (23.09-22.10)
Бажара олмайдиган юмушларингиз борасида ваъда беришга шошилманг. Ваъдалар билан атрофингиздагиларни умидвор қилиб қўйманг.

ЧАЁН (23.10-22.11)
Ҳафта давомида ҳаётингизда сезиларли бурилиш ва ўзгаришлар юзага келиши мумкин. Дам олиш кунларини дўстлар даврасида ўтказинг.

ЎҚОТАР (23.11-21.12)
Шу кунларда янги режаларингизни амалга оширишингиз мумкин. Бу борада салоҳиятингиз ва ишбилармонлигингиз қўл келади.

ТОҒ ЭЧКИСИ (22.12-19.01)
Айни кунларда қизиқарли маълумот ёки хушхабар эшитишингиз мумкин. Шу билан бирга сизни яхши харидлар кутмоқда.

КОВҒА (20.01-18.02)
Ҳафта давомида ўзингизни руҳан толиққан ҳис қилишингиз мумкин. Бундай ҳолатларда дўстлар даврасида ҳордиқ чиқариш сиз учун фойдалидир.

БАЛИК (19.02-20.03)
Уюштирилган сафар ёки саёҳат ҳаётингизда ижобий ўзгаришларга олиб келиши мумкин. Яқинларингизни йўқлашни унутманг.

Тошкент шаҳри

Маҳалламиз спорти

ХОТИРА ТУРНИРИ

Юнусобод туманидаги “Оқтепа” маҳалласи ёшлари ўртасида ҳудуддаги ўрта мактабда самарали фаолият кўрсатган педагог, спорт устаси Зоид Рихсиев хотирасига бағишланган футбол мусобақаси ташкил этилди. Хотира турнирини ўтказишда З.Рихсиевнинг шогирдлари ташаббус кўрсатди.

— Турнирни уюштиришдан асосий мақсад, аввало, маҳалламизда яшаб ўтган фидойи инсонларни ёшларга танитиш, қадриятларимиз асосида ёш авлодни тарбиялашдир, — дейди маҳалла оқсоқоли Эркин Турсунов. — Қолаверса, ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш учун бундай мусобақаларни тез-тез ўтказиб туриш лозим. Маҳалламизда ўндан ортиқ мини футбол жамоалари тузилган. Бу ҳудудимизда соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш мақсадида амалга оширган ишларимиз намунасидир.

Иккинчи гуруҳ ногиронлари З.Рихсиевнинг кўпчилик шогирдлари бугун халқаро майдонларда спортнинг турли йўналишлари бўйича ўтказилаётган мусобақалар совриндорлари бўлишган.

Мухбиримиз

Фарғона вилояти

АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИ УЧУН

Марғилон шаҳрида бугунги кунда замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминланган еттита оилавий поликлиника аҳолига хизмат кўрсатмоқда.

— Ҳукуматимиз томонидан тиббиёт ходимларига қаратилаётган эътибор зиммамизга янада катта масъулият юкламоқда, — дейди Марғилон шаҳар тиббиёт бирлашмаси бош шифокори Миркомил Фозилов. — Ёшлар йилида бир қатор хайрли ишлар амалга оширилди. Реанимация, ички касалликлар, жарроҳлик, болалар бўлимлари замон талаблари асосида таъмирланди. Шунингдек, туғруқ уйи янада чирой очиб, барча қулайликлар яратилди.

Шаҳардаги 2-оилавий поликлиника ҳам тиббий жиҳозлар билан тўлиқ таъминланган бўлиб, айни кунларда 48 минг нафар аҳолига хизмат қилмоқда.

СУРАТЛАРДА: шифокор Маърифатхон Носирова она ва бола саломатлигига катта эътибор қаратади;
2-оилавий поликлиника биносининг кўриниши.

Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА) олган суратлар.

Кўргазма

Тошкент шаҳри

«МАҲАЛЛАДАН БОШЛАНУР ВАТАН»

бугун Тошкент Фотосуратлар уйида шу номдаги фотокўргазма очилади

Юртимизда олиб борилаётган ислоҳотларни, фуқаролар йиғинлари фаолиятини фотография санъати орқали ёритиш ва тарғиб этиш мақсадида Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси республика бошқаруви ҳамда Ўзбекистон Бадиий академияси томонидан анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Маҳалладан бошланур Ватан» кўрик-танлови замондошларимизнинг маҳалла ўзбек халқининг тарихан шаклланган буюк қадрияти эканлиги, мустақиллик йилларида фуқаролик институти сифатида шакллана бориб ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий, тарбиявий йўналишдаги муҳим ишларни амалга оширувчи тизим сифатида шаклланаётгани хусусидаги тасаввурларини бойитишга қаратилган.

Кўрик-танлов Низомида мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан профессионал ва ҳаваскор фотосуратчилар ўз асарлари билан танловда иштирок этишлари мумкинлиги белгиланган бўлиб, тақдим этиладиган ишларга қўйиладиган асосий талаб миллий анъана ва қадриятларимизни, ўзини ўзи бошқариш органларининг жамиятдаги мавқеи ва ролини кўрсатиш, юртимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишларини ёритиб беришдан иборат. Шу билан бир қаторда, фотоасарларда фуқароларнинг, айниқса, ҳотин-қизларнинг давлат ва жамият ишларидаги фаоллиги, қолаверса, маҳаллаларнинг соғлом турмуш тарзини шакллантириш, қўни-қўшнилар ўртасидаги муносабатларни, оилаларни мустаҳкамлаш, ёшларни ҳар томонлама етук, баркамол инсонлар этиб тарбиялашдаги ўрни билан боғлиқ жиҳатлар ҳам акс эттирилиши зарурлиги белгиланган.

Кўрик танловнинг республика босқичида 33 нафар профессионал ва ҳаваскор иштирокчилар томонидан тақдим этилган 468 та фотосурат ишчи гуруҳ томонидан ўрганиб чиқилди.

Кўрик-танлов шартларига кўра, Тошкент Фотосуратлар уйида намойиш этиладиган «Маҳалладан бошланур Ватан» кўргазмаси экспозицияси учун танлов Низоми талабларига жавоб берадиган 143 та фотосурат саралаб олинди ва уларнинг муаллифлари орасидан ғолиб ва совриндорлар номи аниқланди. Ғолиб ва совриндорлар ташкилотчилар томонидан махсус диплом ва қуйидаги тартибда пул мукофоти билан тақдирланадилар:

Гран-при совриндори

Султонбой Деҳқонов — Тошкент вилояти Бекобод туманидан. «Маҳалла – маънавият ўчоғи» фотоасари учун махсус Диплом ва 400000 сўм;

1-ўрин соҳиби

Шавкат Зулфиқоров — Тошкент шаҳри Ҳамза туманидан. «Боболардан қолган мерос» фотоасари учун I даражали Диплом ва 250000 сўм;

2-ўрин соҳиби

Шавкат Муҳитдинов — Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳридан. «Тинчлик бўлсин оламда» фотоасари учун II даражали Диплом ва 200000 сўм;

3-ўрин соҳиби

Комилжон Ўразимбетов — Хоразм вилояти Ургенч шаҳридан. «Ёшлар — келажагимиз» фотоасари учун III даражали Диплом ва 150000 сўм.

Шунингдек, кўрик-танловнинг яна 11 нафар фаол иштирокчиси ҳам ташкилотчиларнинг махсус дипломи билан тақдирланади.

«Маҳалладан бошланур Ватан» фотокўргазмаси 2008 йил 10 декабрдан 2009 йил 10 январга қадар намойиш этилади.

Шаҳноза ЭРГАШЕВА,
«Mahalla» мухбири.

ҲАВОРАНГ АТИРГУЛ

Токиода бўлиб ўтган гуллар шоусида илк бор ҳаворангли атиргул намойиш этилди. Ушбу атиргулларни яратиш учун мутахассислар томонидан 20 йил давомида тадқиқотлар олиб борилиб, 30 миллион долларга яқин маблағ сарфланган.

Антиқа ўсимликни яратган Florigene компанияси вакиллари ҳаво рангли атиргуллар бир йилдан кейин сотувга чиқарилишини маълум қилишди. Унга қадар бу гуллар кўргазмалар ва илмий конференцияларда намойиш этилади.

Бугунги кунда қизил ва пушти ранглардан ташқари, табиий оқ ва сариқ, қора ва оч жигарранг атиргуллар мавжуд. Бироқ ҳаворанг ёки кўк тусдаги атиргулларни яратиш кўпчилик учун иложсиз иш бўлиб кўринарди. Шунга қарамай, Florigene компанияси табиатшунослари бу ишнинг уддасидан чиқишди. 2009 йилда улар бир йўла 300 миллион АҚШ доллари қийматидаги ана шундай атиргулларни сотувга чиқаришни режалаштиришган.

Гуллар шоусида, шунингдек, таркибидаги фосфор моддаси ҳисобига қоронғуликда ёруғлик таратиш хусусиятига эга бўлган генетик жиҳатдан модификацияланган атиргуллар ҳам намойиш этилмоқда.

НОЁБ МАЙМУНЛАР

CNNнинг хабар беришича, Вьетнамнинг шимолий қисмида дунёнинг энг ноёб жониворларидан бири — Тонкин ринопитеклари гуруҳи топилган. Бу ҳайвонлар ўзига хос бурун шаклига эга бўлгани учун уларни Дольман пучуқ маймунлари деб ҳам аташади.

Бу турдаги маймунлар табиатда жуда камайиб бораётгани учун Қизил Китобга киритилган. Ҳозирда ер юзида уларнинг сони 200 тага яқин холос.

Тонкин ринопитеклари тез ҳаракатланувчан ва жуда қўрқоқ бўлгани туфайли олимлар улардан фақат битасинигина суратга олишга муваффақ бўлишди. Қолган 15-20 таси эса кўз очиб юмгунча чангалзорга яширинишга улгурган.

Маълумотларга қараганда, илгари ҳам одамлар, яъни овчилар бу турдаги маймунлар билан тўқнаш келишган. Бундай вазиятларда ғаройиб маймунлар хавф ҳақида бир-бирларини баланд қичқириқлар орқали огоҳлантиришар экан.

Ҳалқаро флора ва фауна ассоциацияси тадқиқотчиларининг айтишича, пучуқ бурунли маймунларнинг яна бир гуруҳи кашф этилиши йўқолиб бораётган турни сақлаб қолишга имкон яратади.

Билиб қўйган яхши

КАМҚОНЛИККА ДАВО БОР

Камқонлик — анемия дунёда энг кўп тарқалган асоратли хасталиклардан биридир. Анемия (юнонча “ап” — инкор қўшимчаси, “haima” — қон) қон таркибида эритроцитлар ва гемоглобин миқдорининг камайиши билан кечадиган касалликдир. Маълумотларга қараганда дунё аҳолисининг 61-80 фоизи танасида темир унсурининг етишмаслигидан, 30 фоиздан зиёди анемиядан азият чекади.

Анемияга қон ҳосил бўлиш жараёни ҳамда суяк кўмиги фаолиятининг бузилиши, фавқулодда ёки сурункали қон йўқотиш, қизил қон таначаларининг бемаврид парчаланиши сабаб бўлиши мумкин. Кўпинча камқонлик танада темир моддаси ёки B12 витамини етишмаслиги натижасида келиб чиқади. Бу касаллик билан оғриган беморнинг ранги синиққан бўлади, беҳоллик, бош айланиши ва кўз олдининг жимирлашидан шикоят қилади. Тирноқлари мўртлашиб, салга синади, сочи тўкила бошлайди.

Камқонликда инсон оқсилга бой маҳсулотларни, жумладан, гўшт, тухум ва сут маҳсулотларини кўп истеъмол қилиши керак. Сабзавотлардан қовоқ, картошка, пиёз, саримсоқ, карам, бақлажон, маккажўхори, мевалардан узум, олма, беҳи, нок, ўрик ва уларнинг қоқилари, наъматак, дўлана, лимон, апельсин сингари неъматлар тавсия этилади. Шунингдек, қўйидаги халқона усуллар билан ҳам касалликка қарши курашиш мумкин.

* * *

Қизил лавлаги ҳамда мушак сабзининг шарбатидан 120 граммдан, қора турп ва жайдари олма шарбатидан 80 граммдан олиб аралаштирилади. Шарбатлар қора идишга солиниб, устига хамир билан ёпилади. Қиздирилган газ буғхонасида 2 соат сақланади. Мазкур аралашмадан кунига 3 маҳал 25 томчидан ичилади. Муолажа 6 ой давом эттирилади.

* * *

Баргак, кишмиш ва олма қоқиси тенг миқдорда олиниб, гўшт қиймалагичдан ўтказилади. Унга тоза асал аралаштирилади ва кунига 3-4 маҳал бир ош қошиқдан истеъмол қилинади.

* * *

Бир стакан сули ёрмасига 5 стакан сув солиб, илашма (кисель) ҳолига етгунча қайнатилади. Қайнатма сизиб олингач, устига тенг миқдорда сут қўшиб, яна қайнатилади. Сўнг 4 ош қошиқ асал солиб, аралаштирилади. Тайёр бўлган қайнатма иссиқ ҳолда ёки иситилиб, кунига 2-3 маҳал истеъмол қилинади.

Маннон НАБИЕВ,
доришунос.

Хоразм вилояти

БОЛАЛАРНИ ҚУВОНТИРГАН ТАШРИФ

“Маҳалла”, “Соғлом авлод учун” ва “Болалар” хайрия жамғармаларининг вилоят бўлимлари раислари ҳамда бир гуруҳ фаоллар Урганч шаҳри халқ таълими бўлимига қарашли мактабгача тарбия муассасалари тарбияланувчилари ўртасида ўтказилаётган “Конституция — бахтимиз пойдевори” кўрик-танловига ташриф буюрдилар.

Конституциямизнинг 16 йиллигига бағишлаб ташкил этилган мазкур танловда болажонлар Конституция борасидаги билимларини намойиш этишди. Айниқса, Бобур Ҳайитов, Никита Стародубов, Андрей Ведейкинларнинг чиқишларини меҳмонлар катта қизиқиш билан кузатишди. Энг фаол тарбиячи ва тарбияланувчиларга эсдалик совғалари топширилди.

Қундузхон ЖУМАНИЁЗОВА

Mahalla
МУАССИС: Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси Республика бошқаруви

Бош муҳаррир
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

Телефонлар: 236-53-93
236-53-75, 236-57-62
Факс: — 233-44-25

Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот Агентлигида 2006 йил 6 декабрда 0019 рақами билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи: 148

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.
Тошкент шаҳри Матбуотчилар кўчаси 32-уй

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. Формати — А-2, 2 босма тобоқ.
Бахоси келишилган нархда

Навбатчи муҳаррир: Ҳамза Абдуллаев
Мусаҳҳиҳ: Моҳичехра Латипова
Саҳифаловчи: Фаррух Расулов

11426 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-1120 Топширилди — 01.30
2 3 4 5 6